2024-yil 8-avgust,
payshanba

№100
(5008)

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

# Ishonch

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# МИЛЛИОНЛАБ КИШИЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН ҲУЖЖАТ



Эъзоза Умурзоқова олган сурат

**Президентимиз «Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Очиғи, ушбу ҳужжат кўпдан буён кутилаётган эди. Чунки у ўн миллиондан зиёд фуқаронинг тақдири билан бевосита боғлиқ масала. Икки йил олдин эълон қилинган расмий статистикага кўра**, 2 миллион 600 мингтадан ортиқ *(ўрганишларга кўра, айни пайтда 3 миллион 600 тадан ортиқ)* хонадон эгалари ҳам энди уй-жойини кенгайтириш ёки оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ипотека кредити, субсидия каби имтиёзлардан бемалол фойдалана олишади. Мухтасар айтганда, одамларнинг яна бир асосий муаммоси ижобий ҳал этилиши учун замин ҳозирланди. Хўш, бу жараёнлар қай тартибда амалга оширилади, унинг шартлари ва талаблари қандай?

**Қонунга кўра, фуқаролар қуйидаги кўчмас мулкларни ўз номига (*ижара ва мулк ҳуқуқи асосида*) қонуний ўтказиб олиши мумкин:**

*– 2018 йил 1 май кунигача якка тартибдаги уй-жой қу-*
*риб ўзбошимчалик билан эгалланган ер ҳамда ундаги бино*
*ва иншоотлар;*
*– 2018 йил 1 май кунигача фуқаролар ва ташкилотлар*
*томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча*
*эгалланган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотлар;*
*– «бир марталик акция» доирасида ҳуқуқларни эъти-*
*роф этиш охирига етмаган ер ҳамда ундаги бино ва ин-*
*шоотлар;*
*– 2021 йил 8 июнга (ҳокимларнинг ваколати бекор қи-*
*лингунига) қадар туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан*
*ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари*
*Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер;*
*– боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги*
*тураржойлар ҳамда улар эгаллаган ер;*
*– кичик саноат зоналари ҳудудига 2020 йил 9 мартгача*
*жойлаштирилган тадбиркорларнинг ери;*
*– давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва*
*уйлар эгаллаган ер;*
*– ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган би-*
*нолар ва уйлар эгаллаган ер участкаси.*
*Кўчмас мулкни қонунийлаштириш учун у қуйидаги та-*
*лабларга жавоб бериши лозим:*
*– ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқа-*
*рилмаган бўлиши;*
*– ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд эмас-*
*лиги;*
*– ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд*
*эмаслиги;*
*– муҳофаза зонасида, суғориладиган ерда жойлашма-*
*ганлиги;*
*– бош режа талабларига зид эмаслиги;*
*– ҳар бир категорияга хос бошқа шартлар (инвестиция*
*мажбурияти бажарилганлиги, ширкат аъзоси ҳисоблани-*
*ши ва бошқалар).*

**Ҳужжатга биноан, ер ва биноларни қонунийлаштириш учун қуйидаги миқдорларда бир марталик тўлов ундирилади:**

*– Тошкент шаҳрида – БҲМнинг 5 баравари (1,7 миллион сўм);*
*– Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – БҲМнинг 3 баравари (1,02 миллион сўм);*
*– вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда – БҲМнинг 2 баравари (680 минг сўм);*
*– бошқа аҳоли пунктларида – БҲМнинг 1 баравари (340 минг сўм);*
*– қолган ҳолларда бир марталик тўлов тегишли ҳудуддаги ўртача аукцион баҳоси миқдорида тўланади.*

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари, олдинги «бир марталик акция» вақтида йиғим тўлаган шахслар тўловдан озод қилинади, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган шахсларга 50 фоиз чегирма берилади.

Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Бунинг учун фуқаролар ҳеч қаерга мурожаат қилиши шарт эмас. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумот ва ҳужжатлар Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижалари маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилиб борилади. Ижобий хулоса қабул қилинган фуқароларга СМС-хабарнома юборилади. Шу асосда ҳар чоракда Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:** ***қонун уч ойдан сўнг кучга киради ва 2028 йил 1 январгача амал қилади (шундан сўнг кадастр ҳужжати ижобий ҳал бўлмаган, тегишли бандларга тўғри келмагани важи билан рад этилган қурилмалар ноқонуний деб топилади ва мулк эгасига қонунда белгиланган тартибда чора кўрилади).***

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*тайёрлади*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

**1211**

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Мавсум



## ТАЪТИЛНИНГ БЕТАКРОР ТААССУРОТЛАРИ

«Oʻzbektelekom» акциядорлик компанияси ходимларининг фарзандлари бу йилги ёз фаслини ҳар қачонгидан ҳам мароқли ўтказишди.

Хусусан, уларнинг таътилни сермазмун ўтказишлари учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Алоқачи» болалар оромгоҳи айни муддао бўлди.

Мазкур оромгоҳда жорий йил 100 нафарга яқин болажон 4 гуруҳга бўлиниб, ҳордиқ чиқаришди. Мўъжазгина чўмилиш сув ҳавзаси, қизиқарли тўгараклар ва турли-туман томоша дастурлари унга янада файз бағишлади.

Болажонлар бетакрор таассуротлар учун компания раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитасига миннатдорлик билдиришди.

**«Oʻzbektelekom» акциядорлик компанияси Ахборот хизмати**




4-саҳифада ўқинг >>>

Маълумот учун

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДА НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?

*Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 22 декабрдаги «2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонида қўшимча дам олиш кунлари белгиланган.*

**3 сентябрь, сешанба** иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгиланган.

**1 сентябрь –** Ўзбекистон мустақиллиги куни 2024 йилда якшанба – дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни **2 сентябрь, душанба** кунига кўчирилади.

**31 август, шанба –** ҳафтасига **6 кун ишлайдиганлар учун** қўшимча дам олиш куни, **5 кунликлар учун** одатий дам олиш куни бўлади.

Шундай қилиб, юртдошларимиз Мустақиллик байрами муносабати билан **кетма-кет 4 кун** дам олади.

## ИНФОЛЎТТИБОЗЛАР

ёхуд фирибгарликнинг янги туридан огоҳ бўлинг!

3-саҳифада ўқинг >>>



Касаба уюшмаси аралашгач...

# ХАТОНИ РАҲБАР ҚИЛДИ, ЗАРАР БЮДЖЕТДАН ҚОПЛАНДИ

Муҳаррам Мамадалиева 2022 йилнинг апрель ойидан буён Жалолқудуқ тумани «Бештол» МФЙда хотин-қизлар фаоли лавозимида ишлаб келаётган эди. Бир куни кечки соат 21.00 да ҳокимиятга чақириб қолишди. Туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Дилноза Мўминова уни ишдан бўшатиш учун юқоридан топшириқ бўлганини айтиб, ариза ёзишга мажбурлади.

Фаолияти мобайнида бирон-бир танбеҳ эшитмаган ходим аввалига ҳайрон бўлди. Шарт-шароитини тушунтирди. Аммо раҳбар уни эшитишни истамади ҳам.

Ишдан ноҳақ бўшатилган М.Мамадалиева фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига мурожаат қилди. Бунда унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши далда бўлди.

Меҳнат ҳуқуқ инспекторлари судга тақдим қилган кўрсатмасида иш берувчи ариза ёзишга даъвогарни мажбурлагани, унга меҳнат қонунчилигининг тегишли бандлари бўйича огоҳлантириш берилмагани, бу ҳам етмагандек, буйруқ ва меҳнат дафтарчаси тақдим этилмаганини қайд этиб, суддан ходимни аввалги ишига тиклашни ҳамда мажбурий прогул вақтлари учун иш берувчидан унинг фойдасига уч ойлик иш ҳақини ундиришни сўрадилар.

Ниҳоят, адолат тантана қилди – суд шикоятни тўлиқ қаноатлантирди. М.Мамадалиева аввалги ишига тикланадиган бўлди. Шунингдек, иш берувчи унга 10 миллион 200 минг сўм иш ҳақи компенсацияси тўлаб бериши лозим.

Масала ижобий ҳал этилгани яхши, албатта. Лекин қўл остидаги ходимни вазифасидан ноҳақ бўшатиб юборган раҳбар сувдан қуруқ чиқиб кетгани адолатсизлик. Агар ходимга тўланиши керак бўлган маънавий зарарнинг маълум бир қисми раҳбарнинг ҳамёнидан олинганда эди, бошқаларга ҳам ўзига яраша сабоқ бўлармиди?..

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

---

Ўқув-семинар

# KasabaKIAT – У НИМАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашида тизимда KasabaKIAT дастури воситаларидан фойдаланиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.**




Унда вилоят кенгаши аппарати ходимлари, тармоқ масъул ташкилотчилари, бирлашган қўмиталар, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, йирик бошланғич ташкилотлар раислари ва масъул ходимлари қатнашдилар.

Тадбирни вилоят кенгаши раиси М.Олимов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотлари тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, Федерациянинг комплекс интеграллашган ахборот тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга атрофлича тўхталди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими мудири Зафар Набиев, KasabaKIAT лойиҳаси менежери Абдуғани Қорахонов ушбу дастурий воситалар билан ишлаш ва маълумотларни тизимга ўз вақтида сифатли киритиб бориш борасида маълумот бердилар.

– Ахборот асрига кириб борар эканмиз, барча ҳаракатларимиз ахборот технологияларига асосланган рақамлаштирилган бошқарув асосида бўлиши талаб этилади, – деди Зафар Набиев. – Рақамлаштирилган ахборот тизимлари ташкилотда, аввало, энергия, ишчи кучи тежамкорлигига олиб келиб, молиявий харажатлар иқтисод қилинади. Ортиқча энергия ва ишчи кучини эса бошқа мақсадларга йўналтириш имконини беради. Ҳозир санаторий йўлланмаларини тақсимлаш, молиявий ҳисоботларни юритиш, мурожаатлар билан ишлашда Федерация тизимидаги дастурлар қўлланилмоқда.

Тадбир давомида юзага келган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

– Семинар барчамиз учун манфаатли бўлди, – дейди тадбир иштирокчиси Ҳамид Бешимов. – Бу дастур бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси тўғрисидаги маълумотларни саралаш, таҳрирлаш, ҳисоботларни юритиш имконини беради, вақтимизни тежаш баробарида ишларимизни енгиллаштиради.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*



---

Жамоатчилик назорати

# МОНИТОРИНГ ГУРУҲИ ЖОЙЛАРДА

**Хоразм вилоятида «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичида рўйхатга олинган хотин-қизлар қандай қўллаб-қувватланмоқда? Рўйхатдагиларнинг бирontаси эътибордан четда қолиб кетмаяптими? Манзилли чоралар ижроси ўз вақтида тўлиқ таъминланяптими?**

Жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича мониторинг гуруҳи жойларда бўлиб, «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичи ижросини ўрганди. Ўрганишлар натижалари эса шаҳар-туманларда сектор раҳбарлари, тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирокида таҳлил қилинди. Йиғилишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева ва бошқалар сўзга чиқиб, «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг 5-босқичида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, ишсиз аёллар билан манзилли иш олиб бориш лозимлигига эътибор қаратдилар.

«Аёллар дафтари»нинг 5-босқичида хоразмлик 62 мингдан зиёд хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш белгиланган бўлиб, шу кунга қадар 55 мингдан зиёд аёллар белгиланган тартибда қўллаб-қувватланган.

Йиғилишларда манзилли чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш бўйича зарур топшириқ ва тавсиялар берилди. Амалга ошириладиган вазифалар юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*

---



Йиғилиш

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгашининг навбатдаги 12-Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган 8 та масала кўриб чиқилди.**

Таъкидланганидек, вилоят кенгаши томонидан 2024 йилнинг 1-чораги давомида 21 та нодавлат секторда фаолият юритаётган 268 нафар тиббиёт ходими касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилинди. Мазкур бошланғич ташкилотларнинг барчаси Навоий вилояти нодавлат тиббиёт муассасаларининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитасига цех, шунингдек, Ўзбекистон Қизил ярим ой Навоий вилояти ташкилоти янги бошланғич ташкилот сифатида аъзоликка қабул қилинди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 3 ойи давомида соҳада фаолият юритаётган ходимлар томонидан бошланғич ташкилотларга жами 2206 та оғзаки ва ёзма мурожаат келиб тушган. Уларнинг 487 таси ёзма, 1719 таси оғзаки мурожаатлардир. 678 таси ҳуқуқий масалага, 215 таси меҳнат муҳофазасига, 531 таси ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга, 132 таси дам олиш ва санаторийга йўлланма ажратишга, 302 таси моддий ёрдамга оид, 80 таси касаба уюшмаси фаолиятига тааллуқли бўлмаган, 268 таси бошқа масалаларга тегишли. Мурожаатларнинг 483 таси қаноатлантирилди, 1701 тасига тушунтириш берилди, 22 таси рад этилди.

Шунингдек, 2024 йилнинг 1-чораги давомида вилоят кенгашига жами 69 та оғзаки ва ёзма мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 58 таси қаноатлантирилган, 5 та фуқаронинг ҳуқуқи тикланган. 3 марта тақдимнома ва 3 марта судга даъво аризаси киритилган бўлиб, ходимлар фойдасига 124 миллион 692 минг 980 сўм маблағ ундирилган.

Мухтасар айтганда, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши, Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи ва меҳнат техник инспекторлари ҳамда бошланғич ташкилот раисларининг саъй-ҳаракатлари натижасида вилоят бўйича 2024 йилнинг 3 ойи давомида қарийб 1750 нафар тармоқ ишчи-ходимларининг ҳуқуқи тикланиб, уларнинг фойдасига 925 миллион 900 минг сўм маблағлар ундириб берилди.

**Феруза РАҲИМОВА,**
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси*

---

## СЎРАНГ, жавоб берамиз

### ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОНИ ОЛИБ ТАШЛАШ УЧУН 6 ОЙ ЎТИШИ КЕРАКМИ?

*Яқинда менга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди. Уни қанча муддатда олиб ташласа бўлади? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.*

**Азиз ҲАЙДАРОВ**
*Бухоро вилояти*

* * *

**Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Мурожаатлар билан ишлаш шуъба мудири Гузалья РЗАЕВА жавоб беради:**

– Иш берувчи интизомий жазони ўз ташаббуси, касаба уюшма қўмитаси ҳамда ходимнинг илтимосига кўра, бир йил мобайнида муддатидан олдин олиб ташлаши мумкин. Бу раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилиши керак (МК 315-моддаси).

Қисқаси, интизомий жазони олиб ташлаш учун маълум бир муддат, масалан, 3 ёки 6 ой белгиланмаган. Иш берувчи жазони исталган вақтда олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ходим қандайдир ютуқ ёки натижаларга эришиши шарт эмас.

---

Маънавият соати

# КОМИЛ ИНСОН КАМОЛИ ЙЎЛИДА

**Тошкент вилоятидаги «Оқтош» санаторийсида ходимлар ва дам олувчилар иштирокида «Маърифат соати» ўтказилди.**

Тадбирда Дин ишлари бўйича қўмита раисининг маслаҳатчиси Илҳом Маърупов ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. Уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ватанпарвар, меҳнатсевар, эзгуликка йўғрилган қадрият, урф-одатларимизни ўзида мужассам этган, илм-маърифатли комил инсон қилиб тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Жамоат хавфсизлиги университети доценти Фарида Умарова, термизлик жарроҳ Рустам Ашуров мавзу юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

**Маҳмуда МУРЗАЕВА**

---

# СЎЛИМ МАСКАНДАГИ «ОРОЛ БОЛАЛАРИ»

**«Орол болалари» оромгоҳи Элликқалъа туманидаги энг сўлим масканда жойлашган. Айниқса, Ақчакўл бўйидан эсиб турувчи майин шабада ҳамда сокин оқаётган сув мавжлари болажонларга роҳат бахш этмоқда.**

Мавсум бошидан турли танлов, викторина, спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирларда бевосита иштирок этаётган ўғил-қизлар гўзал лаҳзаларни хотираларига муҳрлаб боришяпти. Бўш пайтларида мураббий Ихтиёр Каримов бошчилигида стол тенниси билан шуғулланиб, Фарзона Рамановадан инглиз тилини чуқурроқ ўрганишяпти.

Бундан ташқари, «Моҳир қўллар» тўгараги раҳбари Солияжон Ҳикматуллаеванинг бежирим қўл ишлари қизларни ҳунар сари етакламоқда. Ўттиз йиллик тажрибага эга бош ошпаз Ўктам Шарипов тайёрлаган тотли таомлар, бош тарбиячи Зайнабжон Ишниязованинг ҳузурбахш сўзлари болалар қалбига малҳам бўлмоқда. 265 нафар дам олувчини ўз бағрига олган оромгоҳда ҳар бир кун ўз шиорига эга. Бу эса уларни ижодкорликка ва ташаббускорликка чорлайди.

«Шарқ бозори»да ташкил этилган кўргазмадан ўрин олган қўл меҳнатлари маҳсули саналмиш ўйинчоқлар, кашталар, тўқилган буюмлар намойиши, «Оромгоҳ маликаси», «Она табиатга қўшган ҳиссам», «Ёш китобхон», «Миллатлараро дўстлик» сингари тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти. Сирасини айтганда, «Шуҳрат» медали соҳиби Рашид Аллабергенов раҳбарлик қилаётган мазкур маскан болажонларга қувонч улашяпти.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*

---

Ёз – ўтмоқда соз!

**Яккабоғ туманидаги Кенгузар қишлоғида жойлашган «Соҳибқирон» оромгоҳи «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятига қарашли бўлиб, ўзига хос жозибаси билан ажралиб туради.**

# БЕҲУДА КЕТМАЁТГАН ВАҚТ

Айни пайтда бу масканда АЖ ходимлари ҳамда Муборак электр маркази корхонаси ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ёзни мароқли ўтказишмоқда. Бундан ташқари, оромгоҳнинг сўлим табиати спортчиларга жуда қулай экани боис, Бухоро вилоятидан ҳам ёш атлетлар келишган. Улар бу ерда ўқув-машғулот йиғинларида қатнашишмоқда.



Оромгоҳда рус, инглиз, япон, турк тиллари ва турли спорт тўгараклари ишлаб турибди. Моҳир «Заковат»чи Аъзам Улашов ўғил-қизлар ўртасида интеллектуал ўйинлар ташкил этиб, ўзининг издошлари кўпайишига ҳисса қўшмоқда.

– Бу оромгоҳда олдин ҳам дам олганман, – дейди Нишон туманидан келган Дилором Ўрозова. – Ёзнинг жазирамасида салқин табиат қўйнида ҳордиқ чиқаряпмиз. Ҳар куни турли тадбир ва учрашувлар уюштирилади. Яқинда Шаҳрисабзга, Амир Темур бобомиз қурдирган «Оқсарой» мажмуасига саёҳатга бордик.

– Оромгоҳда фанлар бўйича тўгаракларга боряпман, – дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Ирода Исомиддинова. – Турли танловларда фаол қатнашганим учун оромгоҳ раҳбарияти ота-онам номига ташаккурнома беришди.

Бугунги авлод янгиликка ташна. Биз оромгоҳда ўғил-қизларнинг фаоллигини кўриб, уларнинг вақти беҳуда кетмаётганига амин бўлдик.

**Акмал АБДИЕВ**
*«ISHONCH»*

---

Рағбат

# ГЎЗАЛ ГЎШАДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИЛДИ

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан тармоқ аъзолари турли сўлим гўшаларда дам олдирилмоқда.**



Бу гал 50 нафар Данғара тумани йўлсозлари Аҳмад ал-Фарғоний дам олиш уйида ҳордиқ чиқардилар. Йўлсозлар, шунингдек, турли муолажалар олиб саломатликларини мустаҳкамладилар.

Спорт шинавандалари ўртасида эса сузиш, стол тенниси, футбол мусобақалари уюштирилди.

Ғолибларга тармоқ касаба уюшмасининг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Зоҳиджон ҚОДИРОВ,**
*Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси*

*Нуқтаи назар*

# «ДИЛОРОМ» ДЕБ НОМЛАНГАН МАВЗЕЛАР БЎЛСА...

**Одамларнинг ёдида, 1966 йил 26 апрелдаги Тошкент зилзиласидан сўнг кўп жойларда «Тошкентга ёрдам» фондлари очилганди. Ўшлик Дилором исмли бир қизча шундай деб хат ёзади:**

*«Тошкент. Ўзбекистон раисига тегсин.*

*Мен бу йил тўртинчи синфни битирдим. Ёшим ўн бирда. Ер қимирлаши қанақа бўлишини билмайман. Бизнинг маҳаллада кеча Тошкентга ёрдам деб пул йиғишди. Мен атлас кўйлакка йиғиб юрган беш сўм пулимни юбораяпман. Болалар боғчаси қуришингизни сўрайман.*

***Дилором.***
***Ўш шаҳридан».***

**Эркин Воҳидов шу қизга атаб шеър ёзган:**

*Дилором,*
*Дилором,*
*Жажжи сингилчам,*
*Дўмбоқ юзларингни қилдим тасаввур.*
*Мунисам,*
*Каттакон мададинг учун*
*Бош эгиб айтаман сенга ташаккур.*

*Жаҳон подшолари хазинасидан*
*Олтин юборганда ҳамки беадад,*
*Дилором,*
*Дилором,*
*Жажжи сингилчам,*
*Сенинг ёрдамингча бўлмасди мадад.*

*Биз бунга бир эмас, юзлаб ва минглаб*
*Боғчалар қурамиз,*
*Қўрқма, етади.*
*Сендек меҳрибони бор экан, демак,*
*Тошкент жароҳати битиб кетади.*

*Фақат сен омон бўл, яйрагин кулиб,*
*Қора қошларингга қўнмасин ғубор.*
*Сен саломат бўлсанг, меҳрибонгинам,*
*Бу оғир кунларда толмаймиз зинҳор.*

*Сен учун бир шаҳар қурайлик, дўмбоқ,*
*Киройи одамлар қилгудек ҳавас,*
*Осмондай кенг бўлур, денгиздай мовий,*
*Кўксингни тўлдириб олурсан нафас.*

*Хиёбонлар аро сени етаклаб,*
*Чароғон кечада ва ё кундузи*
*Бирма-бир Тошкентни кўрсатиб чиқар*
*У кун Ўзбекистон раиси ўзи.*

*Нақадар ажойиб,*
*Нақадар сулув,*
*Бунга сен сабабсан, сенинг ҳимматинг.*
*Ям-яшил шаҳарнинг энг ўртасига*
*Ўрнатиб қўямиз катта суратинг.*

*Токи узоқ-узоқ юртлардан келиб*
*Гўзал шаҳримизда олганда ором,*
*Дўстлар сўрасинлар:*
*Бу қандай шаҳар?*
*Биз жавоб берайлик:*
*Шаҳри Дилором.*



Афсуски, Тошкент бағрида «Дилором» деган шаҳарча бунёд этиш ташаббуси ўша вақтда ижобат бўлмади. Орадан яна ўттиз йиллар ўтди. Тошкентдаги массив, микрорайон, маҳаллаларни санаб тугатиб бўлмас, аммо «шаҳри Дилором»га сира навбат етмас эди.

«Қачон қадр топмиш шоирнинг сўзи?», деб ёзганида Абдулла Орипов нақадар ҳақ эди! Эркин ака – бир шоир нима қилсин? Ўша қиз етишай деб турганида зилзила боис, тўплаган пулини Тошкентга юбориб, атлас кўйлак орзулигича қолиб кетганини эсга олиб, бир эмас, икки кийимлик хонатласни ўзи сотиб олиб, Ўшга жўнади. Кўп қидиришлардан сўнг Дилором қиз ахийри топилди ҳам. Мактаб ўқувчилари, адабий жамоатчилик, маҳалла аҳли тўпланган анжуманда улуғ шоир шеърини ўқиб, бу олиҳиммат аёлга (бу пайтда Дилором ёши қирқдан ошган, бола-чақали аёл эди) унинг гўдакликдаги орзуси бўлган хонатласни ҳадя қилди, усталарга ясаттирган Тошкент калитини ҳам тақдим қилди.

Орадан яна кўп сувлар оқиб ўтди. Бу шеърни ёзганида ўттизни энди тўлдирган Эркин Воҳидов саксонни қоралаб оламдан ўтди. Сал кейин ўша зилзила чоғида ўн бир яшар қизалоқ бўлган Дилором опа ҳам етмишларга яқинлашиб, 2021 йил дунё билан хайр-хўшлашди. Шоирдан бир-биридан дилбар шеърлар, Дилором опадан эса бир олам эзгулик мерос бўлиб қолди. Яқинларининг айтишича, бир умр чевар бўлиб ишлаган содда ва камтарин Дилором опага, «Тошкентдаги бир микрорайонга сизнинг отингиз қўйилган экан», деб айтсалар, анча вақт ишониб ҳам юрган экан...

Охирги йилларда Тошкентда массив, маҳалла ва микрорайонлар ҳам бир ёқда қолиб, ғалати-ғалати номдаги «сити»лар қад кўтара бошлади, ҳатто ном етишмаганидан, улардан бири «Миневра» (қадимги римликларда уруш худоси) деб аталибди, аммо шоир таклиф этган Дилором деган гўзал исмда бирон кўчаю гузар ва микрорайон йўқ (мен Интернетда бундай номдаги жойни топа олмадим, чамаси, Дилором номи умуман бирон маъвога қўйилган эмас).

Мана, улар: *Akay City, Golden House, Regnum Plaza, Манхеттен, Sayram Village, Parkent Avenue, Silk Road, Goldhill, Ducat, Династия, Bodomzor Terrasa, Boulevard & Garden Residence, UTower, Real House, Dream House, Mirabad Avenue, Minor Towers, Star House, Ташкент Сити, Yunusabad Plaza, Ocean, Diamond City, Daco Residence, Apelsin, Wiston, Parkent Plaza, Yangiobod Residence, Yashnobod Plaza, Infinity, Neo House, Capital, Fortaleza, Luxury House, Art House, Greenwich, Nasl Dahasi, Sapphire Terrace, Skyline Towers, River Soy, Sapphire Corner, Olmazor British House, Aura, Uchtepa Garden, Zamin Great City...*

*«Sapphire Terrace» бор, «Greenwich», «Neo House»* ҳам бор, аммо Дилором йўқ. Алмойи-жалмойи номларни ўқийвериб, хаёлинг турли томонларга бурилиб ҳам кетади.

Бу кетишда нафақат «сити»ларга, ҳатто кўча-кўйларимизга ҳам яқинда инглизча, хитойча ном қўя бошлайдиган кўринамиз. Шунга жуда оз қолди.

Кўп нарсаларга бепарвомиз. Қорнимиз тўқ, устимиз бут юрса, яхши тўйлар қилсак, бошпанамиз шинам бўлса, шу кифоя, бошқа орзу-мақсадимиз, ҳатто... бошқа маслагимиз ҳам йўқдай.

Олтмиш йилча аввалги бу гапларни эслаб қолганим боисини айтайми?

2023 йилнинг декабрь ойида Туркияда Чингиз Айтматовнинг 95 йиллиги нишонланди. Илмий анжуманлар, учрашувлар... Аммо менинг ёдимга ўша сафарда бошқа бир лавҳа ҳам муҳрланиб қолди. Сўнгги кунда бир ресторанга бордик. Биз билан кўришиб суҳбатлашиш учун Анқара шаҳридаги энг катта туман (илмий анжуманлар ўша туманда бўлиб ўтганди) волийси ҳам ресторанга етиб келди, ҳар бир меҳмон билан кўришиб, самимий қутлаб, сўзининг охирида тўйхонадаги барчанинг олдида (у ерда бу юбилейга алоқаси йўқ одамлар биздан тўрт-беш марта кўп эди) туркларнинг «Арқанақун» ва қирғиз «Манас» эпоси орасидаги муштаракликларни бирон ўн дақиқа теран таҳлил этиб, фикрига исбот тариқасида кўплаб далиллар келтириб ўтдики, бир туман раҳбарининг бу қадар кенг билим эгаси эканига ҳайрон қолдик. Ҳамма жим туриб эшитди. Ажаб, ахир бу одам адабиётшунос эмас, бир миллион нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган, юзлаб ташкилоту корхоналар иш олиб борадиган катта бир иқтисодий ҳудуднинг раҳбари-ку?!

Ана шунда нафақат сиёсий-ижтимоий, балки фалсафа, биология, ё адабиёт бобида фикр юритганда ҳам олимларни қойил қила оладиган туман раҳбарлари бизда бормикин, деб ўйлаб қолдим. Бу Анқарадаги бир туман волийси эса, азбаройи содиқ бўлгани учун эмас, балки кенг ва теран билимли бўлгани учун раҳбарликка қўйилган, албатта.

Аммо... Ватанни ҳимоя қилиш дегани чегараларни қўриқлаш, холосми? Ватанпарварлик эса флеш-моблар, «Ватааан!!!» дея қўшиқ айтиб юришда кўринадими? Унинг тарихини, номи-шонини, ўзига хослигини, табиий бойлигини, номус-орини асраш, авайлаш ҳам уни қўриқлаш-ку!

Кимдан ҳимоя қиламиз уни?

Ватан чегараларини ташқи ёвлардан қўриқлаймиз, ичидагисини эса бошқа бировлардан эмас, ўзимиздан асрашимиз керак бўляпти!

Пул топишдан бошқани ўйламайдиган қоринбойлар дўкони эшигига, гўё фақат инглизларга савдо қиладигандай, «open» деб ёздирса, ошхонасини таъмирлатиб бўлгач, «Мы открылись!» деб баннер осиб қўйса, улкан «дом»лар, бутун-бутун массивлар қурадиган каттароқ Қорунбойлар уларни боягидақа сити-пити қилиб номласа ва бу ишларни тергайдиган бирон маҳкама топилмаса... Турли тил комиссияларининг иши эса ўшанақа ажнабийча номларнинг имлосини текшириб, тасдиқлаб ўтириш шекилли.

Менимча, айб фақат ўзимизда. Боласини ўзбекча мактабдан олиб, ўрисча мактабга қўяётган одамларнинг ўзида, аввало. Ҳар бир одам сингари, халқнинг ҳам ори, ғурури бўлсин. У етишмаса, бу эл ҳадемай бошқа халқлар бағрига сингиб кетади, унинг тили «ўлик тил» қатори саналадиган бўлади.

Ижоди гуриллаётган ўша олтмишинчи йилларда, Эркин Воҳидов не умид билан Тошкентда «Дилором» деган гўзал шаҳристон қуришни таклиф қилган эди. Аммо ҳаммамизга теккан лоқайдлик дарди ўша даврдаги катталаримизга янаям қаттиқ ёпишган экан, бу даъват «адабий орзу»лигича қолди-кетди. Энди эътибор беринг, шоир умри охирида «Сўз латофати» деган китоб ёзди, унинг ҳар бир саҳифаси, она тилимиз баҳона, одамлар онгидаги уйқуни ўчириш, лоқайдликни ўлдириш шижоати ила битилган. Бежиз эмас.

Яна боягидай «адабий орзу»га бериламан: Тошкентдаги гўзал бир шаҳристон (сити)ни «Дилором» деб номласалар, унинг ўртасида эса Эркин ака Воҳидовнинг юқоридаги шеърида битилганидай, Дилором отли жажжи қизнинг каттакон сурати, йўқ, чиройли ҳайкали тикланса. Бу ҳайкалда олижаноб бир ўзбек қизалоғининг бир сават гул тутиб тургани, бутун оламга бахт, эзгулик улашаётгани акс этса. Сайрбон (гид)лар бу ҳайкалнинг ажиб тарихи ҳақида гурас-гурас сайёҳларга ҳикоя қилиб берсалар... Ахир биламиз, Чирчиқ шаҳри бўсағасида Расул Ҳамзатовнинг «Турналар» деган шеърига ҳайкал тикланган. Шу ёдгорликни эл-олам келиб кўрса экан, деб турамиз. Эркин Воҳидовнинг шеърига биз ўзимиз ҳайкал қўймасак, ким қўяди?

Ўзбегим деб бонг урган дилбар ва дилкаш шоирнинг руҳи ҳам, гўдак ёшида беш сўм пули – бор тўплаганини Тошкентга ёрдам бўлсин деб жўнатган маъсума Дилором қизнинг руҳи шод бўлармиди дейман-да?

Асли, камина ҳайкалга ишқибоз эмас. Мутлақо. Аммо гоҳи ишларда истисно бўлади-ку. Менимча, асосий гап шундаки, ўз шоирининг шеърига қалбида ҳайкал тиклай олган улус халқ бўлади, барча элъяктан бўлади, шунда унинг юрти ҳам шунчаки «тураржой» эмас, бекиёс ватан бўлади.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,**
*адабиётшунос*



*Долзарб мавзу*

# ИНФОЛЎТТИБОЗЛАР

## ёхуд фирибгарликнинг янги туридан огоҳ бўлинг!



**Яқинда менга бир «банк»дан қўнғироқ қилишди. Инстаграмда турли банклардан кредит олиш шартларини қидираётиб, ўша «банк»нинг ҳам «Пастдаги тугмани босинг, тўлиқ маълумот берамиз», деган ёзувини босган бўлсам керак-да...**

Хуллас, менга ёқимли овозда катта бизнесларга пул тикиб, мўмай даромад олишим мумкинлигини тушунтира бошлашди. Ўзим иқтисодчи эмасманми, бу ерда фириб бор, деган шубҳага бордим ва узр сўраб, ҳеч нимага пул тикмоқчи эмаслигимни айтдим. Аммо улардан қутулиш осон бўлмади, кўпик гаплар билан бошимни кўп қотиришди. Бундай қўнғироқлар қайта-қайта такрорланди: кеча биттаси билан гаплашган бўлсам, эртаси куни бошқаси чиқиб туради.

Менимча, бу «манзара» кўпчиликка жуда таниш. Айнан шундай бўлмаса-да, пулингизга эга чиқиш ҳаракатларига, чақирувларга ҳеч бўлмаганда, бир марта дуч келгансиз.

Инсон эҳтиёжларининг чеки йўқ. Уларни қондириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар нафақат товар кўринишида, балки хизматлар шаклида ҳам бўлади. Бугунги ахборот асрида ана шундай маҳсулотлар таркибига ахборот хизматлари ҳам кириб келди. Ахборот тўпланади, қайта ишланади ва сотилади.

Иқтисодиёт бор жойда иқтисодий фирибгарликлар ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради. Ахборот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ҳам фирибгарликлар бўлиши табиий.

Бугун одамлар орасида «Интернетдан фалон хабар келганди, шунга ишониб, шунча пулга тушиб қолдим», деганлар тез-тез учраб туради.

Ҳамма замонларда фирибгарлар устомон бўлишган. Бировнинг пулини алдаб олаётганда, унинг ожиз томонларидан усталик билан фойдаланишган. Айтиш мумкинки, бугунги инфофирибгарлар замонга яхши мослашишган ва яхшигина медиасаводхондир ҳам. Уларнинг «Пул топиш учун йиллаб ўқиш шарт эмас, бизнинг курсимизда пул топишнинг энг осон йўллари ўргатилади!» каби чорловлари ва турли «акция»лари эътиборни тортади беихтиёр.

Улар аёлларнинг нозик истакларига ҳам ҳужум қилиб қолишади: «Гўзал бўлишни, эллик ёшда ҳам ўттиз ёшдай кўринишни истайсизми?», «Озмоқчимисиз, бизнинг курсларимиз ва маҳсулотларимиз....», «Сизни оилангиздагилар тушунишмаяптими, турмуш ўртоғингиз билан келишмовчиликни йўқотишни истайсизми? У ҳолда, бизнинг психологик онлайн тренингларимиз...».

Бу каби чақириқлар ва «ёрдамга чўзилган қўллар»нинг, псевдомотиватор, псевдопсихологлар кўпайиб бораётгани бугун жамиятда ташвишли ҳолдир. Албатта, биз ижтимоий тармоқларда онлайн курс олиб бораётган ҳар қандай мутахассисни фирибгар, деб аташдан йироқмиз. Пандемия даврида онлайн хизматлар, онлайн ахборот, онлайн савдо каби соҳалар тез ривожланди. Ўша вақтда телеграм гуруҳ очиб, ёш оналарга фарзандининг тоби қочганда қандай биринчи ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн сабоқ бериб борган шифокорларни биламан. Барака топишсин, улар буни сидқидилдан, бепул амалга оширишди. Худди шунингдек, фойдали онлайн маслаҳатлар бериб бораётган тажрибали мутахассис-психологлар ҳам бор.

Бироқ инфофирибгарлар тугал мутахассис бўлишмайди, улар асосий билимларни ўзлаштириб олишади ва ялтироқ қоғозга ўраб сотишади. Мақсадлари, ўзлари айюҳаннос солишганидек, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш эмас, балки уларнинг пулини шилиб, чўнтакни қаппайтиришдир.

Албатта, бу масаланинг моддий томони, аммо унинг маънавий томони ҳам бор. Масалан, психологик онлайн «тренинг» ёки «курслар»да турмуш ўртоғини йўқотмаслик учун бепарда, беҳаё сўзлар иштирокидаги чақириқлар пайдо бўлмоқда. Ёшларимизда ўқишга ё ҳунар ўрганишга вақт кетказмай, осон пул топиш мумкин экан, деган тушунчалар шаклланмоқда.

Шундай экан, бугун ҳар қандай рағбатлантирувчи ва руҳлантирувчи онлайн хизматларни тартибга солиш вақти келди. Чет элларда инфофирибгарлар фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш аллақачон бошланган. Масалан, Россияда суд ҳукмига кўра, 2023 йил «Гўзаллик юлдузлари фабрикаси» онлайн-марафон ташкилотчилари ўқитиш учун олинган пулларни қайтариб бериш билан бирга, маънавий зарар ва юридик харажатларни ҳам қоплаб беришга мажбур бўлишган. Инфофирибгарларга нисбатан иқтисодий жиноят билан боғлиқ ишлар ҳам очилган. Хитойда шу соҳа мутахассиси бўлмаганларга тиббиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишларда контент нашр этиш тақиқланган.

Фириблар тузоғига кўпроқ пулга муҳтож ва тезроқ бойиш илинжида бўлганлар, ёшлик ғайрати жўшиб, ўзини кўрсатиш истагида бўлган ёшлар, руҳий тушкунликка тушган кексалар, аёллар, қизлар илинадилар.

Аслида, жамиятда хизматларга эҳтиёж бор. Инфофирибгарлар ана шу эҳтиёжларни қондириш учун хизмат кўрсатишади гўё. Уларга рақобатдош сифатида кучли мутахассислардан иборат гуруҳлар, ўқув курслари ташкил этиш керак. Бундан ташқари, ёшларимизда медиасаводхонликни ошириш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади. Негаки, ахборот макони янада кенгайиб, турли соҳаларни қамраб олмоқда. Маънавий-мафкуравий соҳада унинг чангали тобора узайиб бораётганини айтмаса ҳам бўлади.

Модомики шундай экан, инфолўттибозлардан нафақат алоҳида фуқаролар, балки бутун жамият огоҳ бўлмоғи лозим.

**Шаҳло АҲРОРОВА,**
*Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлар бўйича фалсафа доктори*

*Мулоҳаза*

# 5 дақиқадек ўтаётган соат

## ЁХУД ВАҚТИМИЗНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАЯПМИЗМИ?

Бугунги шиддаткор даврда мактаб ўқувчисидан тортиб катта ёшдаги инсонгача вақт етишмаслиги муаммосига дуч келади. Масалан, ишдан келган ота-она фарзандидан «Нега мен айтиб кетган уй ишларини бажармадинг?», деб сўраса, бола «Вақтим бўлмади, улгурмадим», деб жавоб беради. Ёши улуғларнинг ишида ҳам унум йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозир вақт етишмаслигидан келиб чиқадиган оқибатлар энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг ечими эса вақтни тўғри тақсимлашга боғлиқ. Бу ўз навбатида кундалик иш самарадорлиги ва якуний натижага жуда катта таъсир кўрсатади.

«Вақтни тўғри тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш тизими»да вақтни бошқариш бўйича иш жадвали тузиш ва унга кун давомида инсоннинг соғлиғи, қобилияти ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда амал қилиш назарда тутилади. Оддий қилиб айтганда, эрталаб ёки бир кун олдин одам ўзи учун энг муҳим ишларни ажратиб олиши керак. Улардан кейин вақти ортиб қолса, бошқа ишларни бажариши мумкин.

Вақтни, мақсадни ва уларнинг муҳимлилик даражасини тўғри аниқламаслик, вазифаларни изчиллик билан бажармаслик, аввалига ўқувчининг дарс самарадорлигини йўққа чиқарса, кейинчалик у улғайганида иш фаолиятида муаммолар пайдо қилади. Шу сабабли, мактаб ўқувчилари орасида вақт етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда ота-оналар ва синф раҳбари катта роль ўйнайди. Ота-она уйда боланинг қайси ишни бажаришга улгурмагани сабаблари билан қизиқса ва уни таҳлил қилиб, хатолар бўйича болага тўғри маслаҳат, кўрсатма берса, бола вақтини тўғри тақсимлаш ва қадрлашни ўрганади. Мактабда ўқитувчи ва синф раҳбарлари ўқувчига бой берилган фурсатлар қайтарилмаслигини, ўқувчи ҳар куни мактабда ва уйда бажариши лозим бўлган вазифаларни тушунтириши керак. Токи, ўқувчи кўзлаган мақсади йўлида ҳар бир куннинг ўз ўрни борлигини ҳис қилсин. Шунда ортиқча нарсалар ва кераксиз машғулотлардан воз кечиш осонроқ кечади.

Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар вақтни тўғри сарфлаш борасида тушунчага эга эмас. Буни тушунтириш уларнинг ота-оналари зиммасида. Аммо бугунги гаджетлар асрида кўпчилик ота-оналар вақтнинг қадрини тушунишмаяпти. Баъзида катталар ижтимоий тармоқларга, ёшлар эса компьютер ўйинларига гўёки беш дақиқа вақт ажратгандек бўлишади. Аслида эса камида 5 соат вақт ўтиб кетган бўлади. Шу тариқа ушбу 5 соат худди 5 дақиқадек ҳис қилинмоқда. Ана шу ҳиссиёт ва йўқотилган вақт ишдаги, ўқишдаги фожиамизга айланиб бормоқда.

Педагог-психологларнинг тадқиқотларига кўра, баъзи болалар ёки катталар уй вазифаси ва ишдаги топшириқни бажариш учун жуда кўп вақт сарфлашади. Аммо натижа кўнгилдагидек эмас. Сабаби дарс қилиш, ишлаш ва дам олиш вақти тўғри тақсимланмаган, тартибсиз ҳаёт тарзи ҳукмрон. Кимдир иш ва дарс билан кўп шуғулланади, дам олишга вақти йўқ, кимдадир бунинг акси. Ҳар икки ҳолатда ҳам натижа кутилганидек бўлмайди. Кўп дам олмасдан ишлаш соғлиқдаги муаммоларни вужудга келтирса, ташвишсиз ҳаёт кечириш иқтисодий муаммолар гирдобига етаклайди.

Шундай экан, келажак авлодни бугунданоқ вақтдан унумли фойдаланишга, уни тежаш ва тўғри сарфлашга ўргатиш ота-оналар ва педагоглар олдидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

**Нилуфар УСМОНОВА,**
*Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 116-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори*

# Ватан нима?

*Ҳикоя*



Тавба қилдиму, ҳа деб, ёмон хаёлларга боравермаслик керак. Катта энам раҳматли: «Ёмон хаёл қамални, яхши хаёл ҳамални чақиради...» дер эди.

Пойтахтдан минг чақирим нарида адабий учрашув ўтказилишини эшитиб, бир гуруҳ адиблар билан мен ҳам борадиган бўлдим. Манзилни эшитиб юрагим шиғ этди: «Илҳомнинг онаси ҳам қатнашади. Онаси мендан Илҳомни сўнгги бор сен кўргансан... Айт, боламга нима бўлувди, болам сенга нима девди... деб сўроққа тутади», деган ўй ўтди хаёлимдан. Беихтиёр, онаизорнинг қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланди.

Орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтяпти. Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳақида гап кетса, тамом, Илҳомни эслайман. Мен ўша дамлар, айни қирчиллама ёшимда, ўша ерда Манғит деган шаҳарча борлигини илк бор Илҳомдан эшитганман...

Самолётдан тушяпману ҳамон алланечук хавотир юрагимни тимдалаяпти. Худди кимдир мени таъқиб этаётганга ўхшайди. Елкамга Илҳомнинг кўзлари қадалиб тургандек, гўё. Мен уни аниқ-тиниқ кўраман... Оёқ-қўлим қалтирагандай бўлади: оний лаҳзада. Чунки Илҳомни елкамга кўтариб олганман. Агар мен Илҳомни олиб кетмасам, Илҳом бу ерларда қолиб кетади. Агар Илҳом қолиб кетса, уни душман олиб кетади, уни нимта-нимта қилишади... Чунки... биз...

Хаёл инсонда қандай пайдо бўлади? Буни билмайман. Хаёлни инсон тизгинлай олмайди, хаёл инсонга бўйсунмайди, шуни биламан. Аэропортда машинага ўтираётганимизда гуруҳ бошлиғимиз ажабланди:

– Бизни кутиб олгани шу ернинг ёшуллиларидан бири ҳам чиқибди. Нега сўрашмадингиз?

– А-а?!

– Эй-ей, нега паришонсиз? Тобингиз йўқми?

– Лекин мен бошқа бирорта туманга борсам, бўлмасмикан?

– Мумкинмас. Рўйхат кетган. Ўзгармайди.

Майли, рўйхатинг ўзгармаса ўзгармай қўя қолсин...

Машина саҳрони қоқ ёриб ўтган йўлдан шамолни қайириб ўқдай учади. Гўёки оёқ-қўлим боғлиқ, қисмат уловида ўзим хоҳламаган манзил сари ноилож ва ночор ҳолда кетиб бормоқдаман.

Тақдир улоқтирса одам боласи палахмон тошига айланади, ўзи истамаган жойга бориб тушаверади. Худди менинг, Илҳомнинг ёшлиги каби.

Хаёл яна томоша қўйиб беришда давом этади – мен бу томошада ўзимни, Илҳомни кўраман.

...Тоғда жанг. Қиёмат қойим. Агар топтамоқчи бўлсанг ўзга юртнинг тоши ҳам, гиёҳи ҳам сенга қарши уруш очади – ўқ отади. Бировнинг юртига босқин қилган биз шўрликларга қарши ўша юртнинг ҳар бир майса, тоши, гилу қуми ўт очяпти – бошимизда ўқбўрон гувлайди. Кўз очолмаймиз. Харсанг панасига бош уришдан ўзга чора йўқ. Биз тепаликка чиқолмадик. Тоғ йўл бермади. Тоғ бизни ўз этагидан худди қурт-қумурсқани силкиб, тўкиб ташлагани каби пастликка улоқтириб ташлади – биз чекиндик, жонимиз халқумимизга тиқилиб, эмаклаб-эмаклаб қочдик, шармисор бўлиб қочдик. Взводнинг ярми тутдай тўкилди, взводнинг ярми қирилиб кетди. Қирилганнинг жони, қирилмаганнинг юзидан қони кетди. Тоғ адоғига етдик-етдик деганда асаби дош бермади чоғи, Илҳом ўрнидан даст туриб пастга қараб югура кетди. У ўзини текисликдаги бутазор ичига урмоқчи эди. Бир маҳал турган жойида таққа тўхтаб қолди, бир қўлини ҳаволатиб, ортга бир силтанди-да, ониятда тек қотиб, кейин елкаси билан қулади. У ўқдан тез учаман деб ўйловди. Йўқ, у ўққа учди.

Мен юзтубан ҳолимда юзидан сўл қочган Илҳомни тортқилаб, судрай бошладим, у иҳроқ азобида нималардир, деб ғулдирарди. Юзига юзимни босиб, бошини силайвердим, нега бундай қилаётганимни билмайман, шундай қилсам юзимдан ҳарорат, жонимдан жон ўтади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Шундай қилсам, унга енгил бўлади, у тирик қолади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Эй-ей, менинг ғўргина ёшлигим-а...

Илҳом ўқчий бошлади. Қон сизаётган лаблари пирпирарди. Ичидан ожиз бир инграқ отилди:

– Ўлигим... Ўлигим қолиб кетмасин... Олиб кет бу ердан.

Илҳомнинг сўнгги гапи шу бўлди. Жони узилди...

– Шоир, нега хаёл суриб қолдингиз? Нукусда қолмаганингизга хафасиз-а? – деди гуруҳбоши тиржайиб.

Мен нима ғамдаману, қўбизим нима дейди. У олис йўлда азоб тортди деб ўйлаяпти. Ичимдаги сабр тоши чил синади:

– Биз бу ерга нимага келдик, умуман Амударёга нега боряпмиз? – дейман томдан тараша тушгандай.

Гуруҳбоши эсанкираб қолади.

– Ватан, мустақиллик, келажак ҳақида гапиргани, халқ билан учрашгани, – дейди у авзойим бузуқлигидан энсаси қотиб.

– Ватан нима эканини мен ёшлигимда ҳис қилганман. Ватаннинг моҳиятини менга ўн саккиз ёшида жон бераётган дўстим ўргатган.

– Тушунмадим.

– Эҳтимол, тушунмаганингиз яхшидир ҳам...

– Бу нима деганингиз?

– Ўша раҳматли дўстим менга ўликлар ҳам ўз Ватанини соғинишини, ўликлар ҳам ўз танасини Ватан тупроғи билан қоришиб кетишини исташини, ўликлар ҳам Ватан танлашини ўргатиб кетган. «Жасадим бу ерларда қолиб кетмасин...», деб инграган аскар илтижосида инсон қалби изоҳлашга ожизлик қиладиган буюк бир туйғу бор... Биз ана шу туйғуни ҳис қилишимиз керак.

– Нега бундай деяпсиз?

– Менга Ватан моҳиятини ўргатган ўша ўғлон туғилиб ўсган тупроққа оёқ қўяяпмиз. Ҳозир биз ўша ўғлоннинг овулдошлари билан учрашамиз, – дедим...

Учрашув жонли кечди. Адабиётни, шоиру адибни севган элнинг қарсаклари зални ларзага келтирди. Менинг юрагим безовта, кўнглимда бир титроқ, ҳадик... Залга алаңглайман. Худога шукр, тадбир ниҳоя топди. Ўзимни енгил ҳис этиб ташқарига чиқдим. Йўл четидаги машиналарга ўтиряпмиз. Орқа эшикни очиб, энди ичкарилайман, деб турувдим, костюмим баридан кимдир тортгандай бўлди. Ўгирилиб қарадим. Қаршимда озғин, новча, чўзиқ юзи ва тор пешонасини ажин босган, ботиқ ва тим қора кўзлари порлоқ, дурраси остидан чиқиб турган бир тутам кумуш сочи чеҳрасига ярашиқ, истарали, қирқ беш ёшлар чамасидаги аёлни кўрдим.

– Раҳмат сизга, – деди у. – Манавини олинг, – эгнига мос ипакгул халат чўнтагидан конверт олиб узатди.

– Нима бу?

– Йўлда кўрарсиз...

У бурилиб кетди. Мен машина ўриндиғига чўкдим. Машина жилиши ҳамоно конвертни очдим. Титраб кетдим. Дўстим Илҳом иккаламизнинг жанг олдидан бирга тушган суратимиз қўлимни куйдирар, бу оташ бутун борлиғимни чулғаб олганди.

– Тўхтатинг. Тўхтат! Тўхтат машинани! – деб қичқириб юбордим.

Мен катта йўлнинг қоқ ўртасида анчагача серрайиб қолдим. Сўнг оёқ-қўлим бўшашиб яна машинага ўтирдим.

Илҳом... менга баъзида айтар эди: «Омон-эсон борсак, синглим бизга гуртук қилиб беради. У гуртукни боплайди», – дерди...

– Гуртук нима? – дердим.

– Хамир овқат. Курка гўшти солинади. Қорақалпоқларнинг «бешбармоғ»и, – дерди у.

– Синглинг неча ёшда? – дердим.

– Мендан икки ёш кичкина. Ўн олтига тўляпти, – дерди.

Сўнг менга қараб пўписа қиларди:

– Илжайма, нега илжаясан?

Йўл-йўлакай ўйлаб бордим: синглисининг исми нима эди? Исми нима эди? Нодирамиди? Назирамиди? Нигорамиди? Йўқ, Назира эди... Назира...

Кўзларимда ғилқиллаб ёш айланади. Машина саҳрони тарс ёриб ўтган йўлда учиб борарди...



**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
*ёзувчи*




**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi)*,
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari)*,
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»)*,
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** Z. Rixsiyev

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 21:30
**Topshirildi –** 22:30

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 34 226 та**
**Shundan:**
**7 150 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**18 677 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8 399 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 504**

1 2 3 4 5 6